

ЖАМОАТ НАМОЗИНИНГ ҲУКМИ ҲАҚИДА

05:00 / 04.01.2017 5612

Мусулмонлар ичида обрў-эътибор жамоат намозига қатнашишига қараб бўлган. Жамоат намозига қатнашмайдиганлар эса хона салот (уйда намоз ўқувчи) лақабини олиб, обрў-эътиборсиз кишилар ҳисобланганлар. Шунингдек, мусулмонлар қаерда бўлсалар ҳам, икки-уч киши бўлса ҳам жамоат намози ўқишга ҳаракат қилганлар...

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам баъзи намозларда бир қанча одамларни йўқ бўлганини билиб: «Батаҳқиқ, мен бир кишини одамларга намозга ўтиб беришни амр қилиб, ўзим хилоф қилиб намозга келмаётганларга бориб, уларнинг уйларига ўтин қалаб туриб устларидан ёқиб юборишни қасд қилдим. Агар бирлари семиз гўштли суякни топсалар, унга ҳозир бўлар эдилар», дедилар. Яъни, хуфтонга, демоқчилар. Бешовлари ривоят қилган.

Бошқа ривоятда: «Мунофиқларга энг оғир намоз Хуфтон ва Бомдод намозларидир. Агар у иккисидаги нарсани билганларида эмаклаб бўлса ҳам келар эдилар. Батаҳқиқ, намозга амр қилиб, у қоим қилинганда бир кишини одамларга намоз ўқиб беришини буюриб, сўнгра ўзим ўтин кўтарган одамлар билан намозга ҳозир бўлмаган одамларни олдига бориб устларидан уйларига ўт қўйиб юборишни қасд қилдим», деганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдан жамоат намозга бормаслик қанчалар оғир гап эканлиги билиниб турибди. Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васаллам энгил иш бўлса бировни уйига қамаб туриб устидан ўт қўйиб юборишга қасдлари беҳуда бўлмайди. Хуфтон ва Бомдод жамоатларига ҳозир бўлмаганларга мунофиқ васфи берилиши ҳам, жамоат намозининг шариатимиздаги аҳамиятини кўрсатади.

Шунингдек, Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламнинг «Эмаклаб бўлса ҳам келардилар», деганлари ҳам қаттиқ гапдир.

Буни икки хил тушуниш мумкин.

Агар Хуфтон ва Бомдод намозларини жамоат билан ўқиганларга берилмайдиган савобни билганларида эмаклаб бўлса ҳам келар эдилар.

Ёки Агар Хуфтон ва Бомдод намозлари жамоатини тарк этганларнинг гуноҳи ва унинг оқибати нима бўлишини билганларида эмаклаб бўлса ҳам келар эдилар, дегани.

Бу даъватларнинг ҳаммаси жамоат намозидан қолмасликка ундайди. Ҳар биримиз доимо жамоатдан қолмасликка ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Абу Дардаа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қишлоқдами, саҳродами уч киши бўлса-ю, улар ичида жамоат намози қоим қилинмаса, албатта, Шайтон уларга эга чиқар. Жамоатни лозим тут. Айрилганни бўри ер», дедилар». Абу Довуд, Насайй ва Аҳмад ривоят қилган. ал-Ҳоким саҳиҳ, деган.

Шарҳ: Демак, қаерда учта ва ундан кўп мусулмон одам тўпланса, ўша ерда жамоат намоз ўқилиши керак. Балки икки киши бўлса ҳам, жамоат бўлиб ўқишлари лозим. Жамоат намози ўқимаганларга Шайтон эга чиқиб, уларни ўз қулларига айлантди-риб олади. Жамоат намозига қўшилмаган одам мусулмонларнинг жамоатидан айрилади. Жамоатдан айрилиш ҳеч қачон яхшилик келтирмайди. Қўйнинг қўрадан ажрагани бўрига ем бўлади. Одамнинг жамоатдан ажрагани эса Шайтонга қул бўлади.

Бу ҳикмат доимо юзага чиқиб келган. Мусулмонлар ичида обрў-эътибор жамоат намозига қатнашишига қараб бўлган. Жамоат намозига қатнашмайдиганлар эса хона салот (уйда намоз ўқувчи) лақабини олиб, обрў-эътиборсиз кишилар ҳисобланганлар.

Шунингдек, мусулмонлар қаерда бўлсалар ҳам, икки-уч киши бўлса ҳам жамоат намози ўқишга ҳаракат қилганлар. Ўзлари қандай ҳолатда бўлсалар ҳам, жамоат намози ўқиш учун масжид қуришни ўзларининг муқаддас бурчлари деб билганлар. Буни ҳар жойда мулоҳаза қилиш мумкин.

Ушбу сатрлар муаллифи Гана давлатига сафаридида ўрмонлардаги эски ҳолда яшаб келаётган қабилалар билан учрашганда, ўша васанийлар бир кичик хоначани кўрсатишди. Ун-даги пўстак ва тасбиҳ, бу жойнинг масжид эканлигидан дарак берар эди. Ерлик аҳоли бу ерда бир неча мусулмон яшагани, кейин кўчиб кетганлари ҳақида сўзладилар. Ўша кичик масжид бепоён ўрмондаги энг кўркам бино эди. Ўша икки уч мусулмон ўзи яшайдиган уй қурмаган бўлса ҳам, намоз ўқийдиган масжид қурган эди.

Мисрнинг бепоён чўллари. Катта тезликда бораётган авто-машина ойнасидан аҳён-аҳёнда бузилиб кетган кичик уйларнинг харобалари кўринади. Уларнинг ўртасида эса кичик, бузилмаган масжид кўринади. Саҳровий мусулмонлар ушбу ҳадиси шарифга амал қилиб, уч-тўрт киши бўлсалар ҳам жамоат бўлиб намоз ўқишни бурчлари, деб билиб бу жойларга масжид қурган эдилар.

Аксинча бошқа жойларда шаҳар қишлоқ оралаб бир неча кун юрсанг ҳам бир дона масжид топа олмайсан. Шайтон ана ўшандоқ юртлар одамларига эга чиқмай, кимга эга чиқсин. Ўшаларни залолатга кетказмай кимни кетказсин.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир кўзи ожиз одам келиб: «Эй, Аллоҳнинг Расули, менинг масжидга етаклаб олиб келадиган одамим йўқ, уйимда намоз ўқийверайми?» деди.

У зот унга рухсат бердилар. У орқага қайтиб кетаётганида чақириб:

«Намозга айтилган азонни эшитасанми?» дедилар.

«Ҳа», деди.

«Ундоқ бўлса, жавоб бер», дедилар». Муслим, Абу Довуд ва Насайлар ривоят қилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдаги зикри келган кўзи ожиз одам Абдуллоҳ ибн Умму Мактум розияллоҳу анҳу бўлганлар. У кишининг уйлари масжиддан узоқ ва бошлаб келадиган одамлари йўқ эди. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам-дан жамоатга келмай, уйда ўзи намоз ўқишга рухсат сўраганлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига олдин изн берганлар-у кейин азонни эшитасанми, деб сўраганлар. Абдуллоҳ ибн Умму Мактум, ҳа, деб жавоб берганларидан кейин, ундоқ бўлса жамоатга кел, деб рухсатни бекор қилганлар.

Уйи узоқ, кўзи ожиз, етакловчиси йўқ одамга жамоат намозидан қолишга изн бўлмаганидан кейин бошқалар ўзлари билиб олаверсалар бўлади.

Қадимги мусулмонлар бу масалада жуда ҳам ҳушёр бўлганлар. Доимо жамоат намозидан қолмасликка ҳаракат қилганлар.

Имом Муслим келтирган ривоятда машхур саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтади-лар:

«Ким эртага Аллоҳ таолога мусулмон ҳолида рўбару бўлишидан хурсанд бўлса, ана ўша намозларни азони айтилган жойда адо қилсин. Аллоҳ Пайғамбарингиз соллаллоҳу алайҳи ва-салламга ҳидоят суннатларини шариатга киритгандир. Албатта, жамоат намози ҳидоят суннатларидандир. Агар сиз манави кейин қолганга ўхшаб уйингизда намоз ўқисангиз, Пайғамбарингизнинг суннатини тарк қилган бўласиз. Агар Пайғамбарингизнинг суннатини тарк қилсангиз, залолатга кетган бўласиз. Бизнинг ичимизда фақат нифоқи очиқ-ойдин бўлган мунофиқгина жамоат намозидан қолишини кўрганман. Баъзи кишиларни икки киши кўтариб келиб сафга турғазиб қўяр эдилар».

Имом Бухорий келтирган ривоятда Имом Ҳасан Басрий розияллоҳу анҳу: «Кимни ота-онасидан бири унга шафқат қилиб жамоатдан ман қилса, гапига кирмасин», деганлар.

Ушбу далиллардан келиб чиқиб, Ҳанбалий мазҳабида, жамоат намози фарзи айн, деганлар.

Моликий, Ҳанафий ва Шофеъий мазҳаблари жамоат намозлари суннати муаккада, деганлар. Улар жамоат афзаллиги ҳақидаги ҳадисларни далил қиладилар ва ушбу шиддатли ҳадисларни тарғиб учун айтилган, дейдилар.